

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ ЭРКИН ТУРДАЛИЕВИЧ

НАЪМАТАК ВА ЧАКАНДАНИ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Бердиев Эркин Турдалиевич Наъматак ва чакандани кўпайтириш технологияси	3
Бердиев Эркин Турдалиевич Технология размножения шиповника и облепихи.....	27
Berdiev Erkin Turdalievich Technology of cultivation of rose hips and sea buckthorn	51
Эълон қилинган ишлари рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ ЭРКИН ТУРДАЛИЕВИЧ

НАЪМАТАК ВА ЧАКАНДАНИ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қайимов Абдихалил

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кожаметов Советбек Кожаметович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Байметов Карим Исаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Раҳимова Ташханим

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Академик М.М. Мирзаев номидаги

боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 31 январ соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 533503-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 18 январ куни тарқатилди.

(2017 йил 16 декабрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликлар хомашёси асосида табиий дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доривор ўсимликлар орасида мевалари «табиий витаминлар концентрати» деб ном олган наъматак (шиповник) ва мевасидан шифобахш мой олинадиган чаканда (облепиха) ўсимлик дунёсида фойдали хусусиятлари ва амалиётда фойдаланиш кўламига кўра МДХ мамлакатлари Фармакопоеясига киритилган қимматли ўсимликлар ҳисобланади. Халқаро чаканда Ассоциацияси (International Seabuckthorn Association) ташкилотининг маълумотларига кўра сўнгги йилларда Хитой жаҳонда чаканда етиштириш бўйича пешқадамлик қилмоқда, чаканда плантациялари эгаллаган майдон 1,2 млн. гектарга етган. Хитойда чаканда етиштириш, мевасини қайта ишлаш, доривор, озиқ-овқат ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 200 та корхоналар фаолият юритмоқда¹. Россия Федерациясида йилига 2000 тонна чаканда меваси тайёрланади ва қайта ишланади. МДХ мамлакатларида наъматак меваларига бўлган талаб 6–8 минг тоннани ташкил этади, лекин у 50% га бажарилади.

Бугунги кунда дунёнинг доривор ўсимликлар етиштирувчи барча мамлакатларида қимматли поливитамин ўсимликлар – наъматак ва чакандани кўпайтириш усуллари ва кўчатларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш долзарб муаммо ҳисобланади. Дунё мамлакатларида наъматак ва чаканданинг доривор хомашёсига бўлган талаб асосан унинг табиий бутазорлари ҳисобига қондирилмоқда. Шу боис поливитамин бутасимон ўсимликларнинг янги плантацияларини селекцион асосда барпо этиш ва бунинг учун зарур стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз ўрмон хўжалиги тизимида доривор ва озиқабоп ўсимликларни самарали плантацияларини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ўрмон фонди ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, доривор ва озиқабоп ўсимликларнинг экин майдонларини кенгайтириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос маҳсулотларини етиштиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада доривор ва озиқабоп ўсимликларни биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стандарт кўчатларини етиштиришни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш

¹ www.ttz-bremerhaven.de

муҳим аҳамият касб этади. Поливитамин ўсимликларни истиқболли шакллари танлаш, баҳолаш ва уларни жадал кўпайтириш ҳамда кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ўрмон хўжалиги учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 222-сон «Доривор ўсимликшунослик ва янги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор ўсимликларни саноат миқёсида плантацияларини яратиш» тўғрисидаги қарори, 2015 йил 20 январдаги 5-сонли «2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озикабоп ўсимликлар хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мажлис баённомаси ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» илмий-техника дастури, ЎзҚХИИЧМнинг илмий тадқиқотлар дастурида белгиланган устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Наъматак ва чаканданинг биологияси, экологияси, тарқалиши, ресурслари, селекцияси, кўпайтириш, кўчатларини етиштириш ва плантацияларда ўстириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан² International Seabuckthorn Association (Хитой), Himachal Pradesh Agricultural University (Ҳиндистон), Technical University of Berlin (Германия), University of Turku (Финляндия), Biological research Institute of Romania (Руминия), Бутунроссия доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий-тадқиқот институти (Россия), академик М.А. Лисавенко номидаги Сибирь боғдорчилиги илмий-тадқиқот институти (Россия)³, Москва давлат университети (Россия), академик Комаров номидаги Ботаника институти (Россия), Нижний Новгород қишлоқ хўжалиги академияси (Россия), Урал ўрмон-техника институтида (Россия), Бурят мевачилик тажриба станцияси (Россия), Украина, Белорусь, Озарбайжон Миллий Академияларининг Ботаника боғлари ва Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ушбу ўтказилган тадқиқотлар натижасида наъматак турларининг ресурслари ва биокимёвий таркиби аниқланган, уруғидан, вегетатив кўпайтириш ва плантацияларда ўстириш агротехникаси ишлаб чиқилган ҳамда 23 та нави яратилган (Бутунроссия доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий-тадқиқот институти); чаканданинг 60 та нави яратилган, уларни кўпайтириш ва плантацияда ўстириш технологияси ишлаб чиқилган (академик М.А. Лисавенко

² www.vilarnii.ru

³ www.niilisavenko.org

номидаги Сибирь боғдорчилиги илмий-тадқиқот институти); чаканда навларини кўпайтириш ва саноат плантацияларида ўстиришнинг ресурстежамкор технологияси яратилган (International Seabuckthorn Association); чаканда етиштириш технологияси ва меваларини қайта ишлаш, маркетинг тадқиқотлар ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган (Technical University of Berlin).

Дунё доривор ўсимликшунослигида асосан қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: наъматак ва чаканданинг ҳар бир тупроқ-иқлим шароити учун мос қимматли хўжалик-биологик белгиларига эга бўлган истиқболли шаклларини танлаш ва янги навларини яратиш; уларни самарали кўпайтириш усуллари ва стандарт кўчатларини етиштириш, плантацияларда ўстириш ва парваришларнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Наъматак ва чакандани кўпайтириш, кўчатларини етиштириш ва плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш, селекцияси, биокимёвий таркибини ўрганиш бўйича Россия, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Финляндия, Канада мамлакатларида М.И. Рожков, М.В. Пайбердин, Т.Т. Трофимов, У.И. Пантелеева, В.Д. Стрелец, Н.В. Агафонов, В.И. Морозов, У.П. Куминов, Т.В. Жидёхина, А.И. Каланова, Г.И. Шибря, Е.М. Степанова, Chja Sze Men, Н. Pradesh, Т. Marcel, V. Singh, X. Kallio, Т. Lee, А. Rousi каби олимлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган. Дунё бўйича чакандага оид илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш мақсадида 1995 йилда Пекинда Халқаро чаканда Ассоциацияси (ISA) тузилган ва унга чаканда етиштирувчи 40 мамлакат аъзо қилинган.

Ўзбекистонда наъматак (*Rosa L.*) туркуми илк бор А.И. Введенский ва В.К. Пазийлар томонидан, чаканда (*Hippophae L.*) туркуми Г.П. Сумневич томонидан флористик таҳлил этилган. Наъматак турлари ва чаканданинг тарқалиши, табиий ресурслари, биологияси, экологияси, интродукцияси, биокимёвий таркиби, маданий шроитларда ўстириш имкониятларини ўрганиш ботаник олимлар – К.З. Зокиров, Н.Т. Темирбаев, С.С. Кальмыков, В.А. Савкин, И.Т. Васильченко, У. Алланазарова, А.Я. Бутков, Г.Х. Хамидов, Ф.Н. Русанов, Н.Ф. Русанов, З.Х. Хабибов, Т.С. Сафаров, Ш.М. Мухаммадиев, Р.М. Абдуллаев, Ф.Д. Кабулова, Х.Х. Хайдаровлар томонидан амалга оширилган.

Мазкур тадқиқот натижаларининг таҳлили Ўзбекистонда наъматак ва чаканданини кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлигини кўрсатди. Бу ўсимликларни кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги РИИЧМ (ҳозирги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҚХА-7-055 «Ўзбекистонда наъматак, эирк ва чаканданинг биохилма-хиллиги,

истикболли шакллари танлаш, селекцион баҳолаш ва кўпайтириш усуллари ишлаб чиқиш» (2012–2013 йй.), КХИ-5-029-2015 «Чаканданинг истикболли шакллари кўчатларини етиштириш ва она плантациясини барпо этиш» (2015–2016 йй.) ва «Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди худудида чаканда плантацияларини барпо этиш учун ҳамкорликда ўрмон хўжалигини бошқариш моделларини ишлаб чиқиш» (Германия Халқаро Ҳамкорлик жамияти GIZ–Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бош бошқармаси) (2016 й.) мавзусидаги амалий ва инновацион илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон флорасида наъмат (*Rosa L.*) ва чаканда (*Hippophae L.*) туркумидаги турлар биологияси, экологияси, мева ва уруғларининг морфологиясини тадқиқ этиш, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш, кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, истикболли шакллари танлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

наъмат ва чаканданинг замонавий систематикаси, биологияси, экологияси ва географик тарқалишини тадқиқ этиш;

наъмат ва чаканда турлари ва шакллари мева ва уруғларининг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

наъмат ва чакандани уруғларидан кўпайтириш, уруғларини униш ва уруғ кўчатларини ўсиш хусусиятларини аниқлаш;

наъмат ва чакандани новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

наъмат ва чакандани биохилма-хиллигини ўрганиш ва истикболли шакллари танлаш ҳамда уларни селекцион баҳолаш;

наъмат ва чаканданинг истикболли шакллари меваларининг биокимёвий таркибини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон флорасида табиий ҳолда ўсаётган 17 та наъмат (*Rosa L.*) турлари, шу жумладан Фарбий Тянь-Шанда тарқалган 14 та турлари ва жумрутсимон чаканда (*Hippophae rhamnoides L.*) тури ҳамда уларнинг хўжалик-биологик қимматли белгиларга эга шакллари, экотиплари, уруғ кўчатлари, кўчатлари, мусбат буталари ва она плантацияси олинган.

Тадқиқотлар предмети бўлиб наъмат ва чаканданинг мевалари, уруғлари, новда қаламчалари, уларни экиш олди тайёрлаш тартиби, уруғ кўчатлари, новда қаламчалардан илдиз олдирилган кўчатлари, минерал ўғитлар меъёрлари, ўстирувчи моддалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, уруғ ва новда қаламчаларини тайёрлаш, уруғларни сифат кўрсаткичларини аниқлаш, кўчатларни парваришлаш, стандарт кўчат чиқишини ҳисоблаш, истикболли шакллари танлаш ва баҳолаш 26231–84 «(QzDSt 322.15.04.2009) «Сеянцы и саженцы шиповника», 3317–90 (QzDSt 322.15.04.2009), «Сеянцы деревьев и кустарников», 26869–86 (QzDSt 322.15.04.2009) «Саженцы декоративных кустарников», давлат стандартлари ва «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодовых культур» (1999) услубий қўлланмаси талаблари асосида амалга оширилди. Дала

тажрибаларида олинган натижаларни статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда наъматак (*Rosa L.*) ва чаканда (*Hippophae L.*) туркумидаги турларни мева ва уруғларини морфологияси, уруғ маҳсулдорлиги, уруғларини териш ва кўчатзорга экишнинг мақбул муддатлари аниқланган ва уруғларини униш ҳамда ювенил ўсимликларини ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

наъматакнинг юқори миқдорда стандарт уруғ кўчатлар чиқишини таъминловчи уруғларини экишнинг мақбул меъёрлари, уруғ кўчатлар қалинлиги ва минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари аниқланган;

чаканданинг илдиз олдириш учун ёғочлашган новда қаламчаларини тайёрлаш ва экишнинг мақбул муддатлари ҳамда уларни илдиз олдиришнинг мақбул субстратлари аниқланган;

унумдор тупроқли субстратда ва туманлатиб суғорувчи иссиқхонада қумли субстратда чаканда новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштиришнинг технологияси ишлаб чиқилган;

чаканданинг ёғочлашган новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштиришда мақбул қаламча узунлиги ҳамда ўстирувчи модданинг таъсир этиш вақти аниқланган;

Ғарбий Тянь-Шанда наъматакнинг 32 та, Зарафшон дарёси ўрта оқими тўқайзорларида чаканданинг 11 та хўжалик-биологик қимматли белгиларга эга мусбат шакллари танланган, комплекс баҳоланган ва селекция мақсадлари учун истиқболли шакллари ажратилган;

наъматак ва чаканданинг танланган шакллари меваларининг витаминли ва микроэлементли биокимёвий таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибалари, кузатувлар ва биометрик ўлчовлар, кўчатзорда уруғидан ва вегетатив кўпайтирилган кўчатлар чиқишини ҳисобга олиш орқали қуйидаги амалий натижалар олинди:

наъматак ва чаканданинг физиологик етилган уруғларини териш, экиш олди сақлаш ва экишнинг мақбул муддатлари аниқланди;

наъматак уруғкўчатларини етиштиришда юқори миқдорда стандарт уруғкўчатлар чиқишини таъминловчи иқтисодий мақбул минерал ўғит меъёри аниқланди.

витаминли ўсимликлар сифатида ўстириш учун (*Rosa L.*) туркумидаги 17 та тур орасидан муҳим хўжалик-биологик хусусиятларига кўра 7 та энг яхши хосилдор, йирик мевали ва серуруғ турлари ажратилди;

наъматак ва чаканданинг новда қаламчаларини илдиз олдириш учун уларни тайёрлаш ва экишнинг мақбул муддатлари аниқланди;

наъматакнинг 32 та, чаканданинг 11 та мусбат шакллари хўжалик-биологик қимматли белгиларига кўра комплекс баҳоланган орқали селекция мақсадлари ва ишлаб чиқариш учун наъматакнинг 7 та, чаканданинг 5 та истиқболли шакллари ажратилди;

наъматакнинг 6 та зараркундаси аниқланди, тавсифланди ва Майер ёнғоқясари зараркундасига қарши механик усулда курашиш услуги ишлаб чиқилди;

наъматакнинг 1 йиллик уруғ кўчатларини етиштириш ва чаканданинг новда қаламчаларини илдиз олдириш усулида 1 йиллик кўчатларини етиштириш ҳисоб-технологик карталари тузилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган илмий тадқиқот натижаларини илмий лойиҳалар доирасида бажарилганлиги ва доимий апробациядан ўтказилганлиги, ТошДАУ апробация комиссияси томонидан дала тажрибалари ҳолати ва бирламчи маълумотларнинг ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари бўйича тузилган оралиқ ва якуний ҳисоботларни ТошДАУ ва ЎзҚХИИЧМда муҳокама этилганлиги, лойиҳалар бўйича ҳисоботларни тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижалари асосида халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, тадқиқот натижаларини жами 52 та, шу жумладан ЎзР ОАК томонидан рўйхатга олинган 17 илмий журналларда, 4 ўқув адабиётлари ва 3 монографияларда чоп этилганлиги, тадқиқот натижалари асосида 5 та тавсияномаларни тузилганлиги ва уларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлигини тасдиқловчи 12 та далолатномаларнинг мавжудлиги, тадқиқотлар жараёнида олинган дала, лаборатория ва экспедиция маълумотлари замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада плантациялар барпо этиш учун фойдаланиладиган наъматакнинг 7 та тури ва 7 та истиқболли шакли, чаканданинг 5 та истиқболли шакли танланганлиги, уларни уруғидан ва вегетатив кўпайтириш усуллари ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини илмий асосланганлиги, «Крупноплодные многовитаминные шиповники» илмий ишланмаси истиқболли ғоя сифатида 2010 йилнинг Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар каталогига киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундаки, наъматак ва чаканданинг уруғларини териш ва экиш, ёғочлашган новда қаламчаларини тайёрлаш ва илдиз олдириш учун экишнинг мақбул муддатлари ҳамда субстратлари аниқланган. Кўчатзорда 1 йил давомида стандарт кўчатларини жадал етиштириш технологияси ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида ўрмон хўжаликларида ялпи етиштирилган кўчатларнинг 75-80% қисми стандарт кўчатлар сифатида чиқиши имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Наъматак турлари ва жумрутсимон чакандани кўпайтириш ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўрмон хўжаликлари учун «Чаканданинг истиқболли шакллари танлаш ва кўпайтириш», «Наъматакнинг истиқболли шакллари танлаш, кўпайтириш ва плантацияда ўстириш», «Наъматакни кўпайтириш ва плантацияда ўстириш», «Чакандани кўпайтириш ва плантацияда ўстириш» тавсияномалари ишлаб

чиқилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

чаканданинг «Дар Катун» нави ва маҳаллий экотипларининг кўчатлари асосида «Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида 0,70 га, «Зомин» давлат қўриқхонасида 2,1 га жами 2,8 га майдонда она плантацияси барпо этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида чаканда ҳосилдорлиги гектарига 4,6 тоннага ошган ва иқтисодий самарадорлик ўртача 42154,0 минг сўмни ташкил этган;

чакандани новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштириш технологияси «Зомин» миллий табиат боғида 0,25 га, «Дарғом» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида 0,20 га, «Дархон» тажриба хўжалигида 0,10 га, «Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида 0,10 га, жами 0,65 га кўчатзор майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзордан стандарт кўчатларни гектарига 70 минг дона чиқишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 39847,6 минг сўмни ташкил этган;

наъматанинг уруғидан кўпайтириш ва уруғ кўчатларини етиштириш технологияси «Абу Али ибн Сино» ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигида 0,35 га, «Оҳангарон» давлат ўрмон хўжалигида 0,25 га, «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» масъулияти чекланган жамиятда 0,10 га, жами 0,70 га кўчатзор майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кўчатзордан стандарт ниҳолларни гектарига 400 минг дона чиқишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 57813,7 минг сўмни ташкил этган;

наъматанинг хавфли зараркунандаси Майер ёнғоқясарига (*Rhodites Mayri*, Schllcht.) қарши «Бурчимулло» ўрмон хўжалиги «Чотқол» ўрмон бўлимида 1,55 га наъматаник плантациясида механик кураш усули қўлланилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик гектарига 4,9 тоннага етишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 35185,0 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази ва ТошДАУ апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган. ТошДАУ ва Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий кенгашида муҳокама этилган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари 9 марта Республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Шунингдек, тадқиқот натижалари «Региональное плодоводство и овощеводство: состояние, проблемы, перспективы» (Омск, 2014) мавзусидаги регионал илмий-амалий конференцияда, «Генофонд и селекция растений: овощные, плодовые и декоративные культуры» (Новосибирск, 2013), «Генетические ресурсы сельскохозяйственных культур: состояние и

перспективы использования» (Ташкент, 2014), «Превосходство плодоовощной продукции Узбекистана» (Ташкент 2016) ва «Аграрная наука – сельскому хозяйству» (Барнаул, 2017) мавзуларидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда, шунингдек «Ўрмонларни барқарор бошқариш ва қайта тиклаш Осиё-Тинч океани тизим ташкилотларининг «Asian-Pacific Forest Network–АНFNet регионал семинарида (Улан-Батор, 2015) «Разведение облепихи крушиновидной в Узбекистане» мавзусида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг илмий натижалари 52 та илмий ишларда ўз аксини топган. Уларнинг 17 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган илмий журналларда, (2 таси хорижий журналларда), шунингдек 2 та дарслик, 2 ўқув қўлланма, 3 монография, 5 та тавсияномаларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 7 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти атрофлича ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Наъматак ва чакандани маданийлаштиришнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, ўтган асрнинг 30–40-йилларда наъматак ва чаканда турларидаги витаминли таркибининг илмий асосланганлиги, поливитаминли ўсимликларнинг биологик ва биокимёвий хусусиятлари, селекцияси, кўчатларини етиштириш, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш, плантацияларини барпо этиш ва кўчатларни парваришлаш агротехникаси бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган. Наъматак ва чаканданинг замонавий систематикаси, биологияси, экологияси ва географик тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон флорасида *Rosa L.* туркумининг 17 та тури учрайди, улар туркумдаги секцияларга гнеологик ва морфологик яқинлиги бўйича қуйидагича тақсимланган:

***Sect. Caninae* Crep.**

Rosa achburensis Chrshan. (Оқбура наъматаги – шиповник акбурийский).

Rosa canina L (Оддий наъматак – шиповник обыкновенный, собачий).

Rosa ambigua N.Russanov (Даргумон наъматак – шиповник сомнительный).

Rosa transturkestanica N.Russanov (Транстуркистон наъматаги – шиповник транстуркестанский).

Rosa Arnoldii Sunm.ex.v. Tkaczenko (Арнольди наъматаги – шиповник Арнольди).

Sect. *Cinnamomea* D.C., *Leucanthae* M. Pop. et Chrshan.

Rosa huntica Chrshan. (Гунт наъматаги – шиповник гунтский).

Rosa karaalmensis M.Kult. (Қораолма наъматаги – шиповник караалминский).

Rosa Vassilczenkoiv. Tkaczenko. (Васильченко наъматаги – шиповник Васильченко).

Rosa nanothamnus Bouleng. (пакана наъматак – шиповник карликовый).

Rosa Beggeriana Schrenk. (Беггер наъматаги – шиповник Беггера).

Rosa kuhitangi Nevski. (Кўхитанг наъматаги – шиповник кугитанги).

Rosa maracandica Bge. (Самарқанд наъматаги – шиповник самарқандский).

Rosa Fedtshenkoana Rgl. (Федченко наъматаги – шиповник Федченко).

Sect. *Pimpinellifoliae* D.C.

Rosa divina Sumn. (Аъло наъматак – шиповник дивный).

Rosa Ovczinnikovii Koczk. (Овчинников наъматаги – шиповник Овчинникова).

Rosa Ecae Aitch. (Эчисон наъматаги – шиповник Эчисона).

Subgenus *Hultemia* (Dumort.) Focke.

Rosa persica Michx.ex Juss. (форс наъматаги – шиповник персидский).

Ўзбекистон флораси наъматаклари асосан Ғарбий Тянь-Шань ва ғарбий Помирнинг тоғолди ва тоғли худудларида тарқалган ва улар чўл-сахро текисликларида учрамайди, унинг *R. beggeriana* тури тўқай фитоценозларида ўсишга мослашган. Амалиётда витаминли ўсимлик ва атиргулга пайвандтаг сифатида туркумнинг *Caninae* секциясига мансуб йирик мевали, кам тиканли ва ҳосилдор наъматак турларидан кенг фойдаланилади.

Жумрутсимон чаканда (*Hippophae rhamnoides* L.) тури МДХ мамлакатларида бир-биридан узилиб қолган кенг ареалга эга, яъни бир-биридан географик чегараланган популяциялар ва экотипларни юзага келтирган. Кейинги пайтда *Hippophae* L. туркумида 9 та кенжа тур мавжуд ва уларнинг 3 таси Ғарбий Европада, 6 таси Кавказ ва Осиё минтақасида тарқалган деб ҳисобланмоқда. Ўзбекистон флорасида жумрутсимон чаканда туркистон популяциясининг (*H. rhamnoides* L. ssp. *turkestanika* Rousi) турли экотиплари тарқалган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг ўтказиш шароити, объекти, дастури ва услублари» номли иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказиш шароити, объекти, тадқиқотларни ўтказиш дастури ва услублари баён этилган. Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг рельефи, гидрологияси, иқлими ва тупроқ шароитлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистонда табиий тарқалган 17 та наъматак (*Rosa* L.) турининг 14 таси Ғарбий Тянь-Шанда учрайди. Ўзбекистоннинг деярли барча тоғ дарёлари ҳавзаларида жумрутсимон чаканданинг (*Hippophae rhamnoides* L.) турли

экотиплари табиий ҳолда ўсади. Ушбу поливитаминли бута ўсимликлар асосий тадқиқот объекти сифатида олинган.

Наъматак уруғларининг мағзи тўқлигини аниқлаш QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.8–68) «Семена деревьев и кустарников. Методы определения доброкачественности» талабларига биноан, чаканда уруғларининг унувчанлиги QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.6–75) «Семена деревьев и кустарников. Методы определения всхожести» талабларига биноан аниқланган. Наъматак ва чаканданинг 1000 дона уруғларининг оғирлиги QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.4–67) «Методы определения массы 1000 семян» талабларига биноан аниқланган.

Наъматакнинг уруғ кўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 26231–84) «Сеянцы и саженцы шиповника» талаблари, чаканданинг уруғ кўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 3317–90) «Сеянцы деревьев и кустарников» талаблари асосида, вегетатив усулда етиштирилган кўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 26869–86) «Саженцы декоративных кустарников» давлат стандарти талаблари билан баҳоланган.

Уруғлар августдан октябргача 15 кунлик ораликда терилган, экилган ва стратификация қилинган. Асосан кузги уруғларни экиш муддатларига эътибор қаратилган. Экиш меъёри – 8 г/м. (134 кг/га.). Тажрибаларда наъматак уруғларини 4, 8 ва 12 г/м. экишнинг меъёрлари синаб кўрилган. Тажриба эгитларида 20, 30, 40 ва 50 дона/м. ниҳоллар сони меъёрлаштирилган.

Чаканда новда қаламчаларни илдиз олдириш 4 хил субстрат – оддий ва унумдор тупроқли субстрат, қумли субстрат (очиқ ер) ва туманлатиб суғорувчи иссиқхона шароитидаги қумли субстратда ўтказилган. Новда қаламчалар 7 см. қалинликдаги йирик донадор дарё кумидан иборат ва қуйида 10 см. қалинликда 1:1:1 нисбатда қум, тупроқ ва органик гумусдан иборат унумдор қумли субстратда илдиз олдирилган. Қаламчаларни суғориш эрталаб ва кечқурун 2 марта 5 минутдан туманлатиб майда дисперсли усулда амалга оширилган.

Новдадан қаламчалар тайёрлаш ўсимликларни кузги тиним даврига кирганда ва эрта баҳорда – уларда шира харақати бошланмасдан амалга оширилган. Қаламчалар узунлигини илдиз олишига ва кўчатларини ўсишига таъсирини ўрганиш учун – 15 см., 20 см. ва 30 см. ли новда қаламчаларидан экилган. Қаламчаларни илдиз олишига гетероауксиннинг 0,01% ли эритмасини 14, 18 ва 22 соатлик таъсири ўрганилган.

Диссертациянинг «**Наъматак ва чакандани уруғидан кўпайтириш ва уруғ кўчатларини етиштириш технологияси**» номли учинчи бобида наъматак ва чаканданинг мева ва уруғларининг морфологияси, уруғларининг униш ва ювенил даврдаги ниҳолларини ривожланиш хусусиятлари, уруғларни териш ва экиш муддатларини унувчанлик ва уруғ кўчатлар чиқиш миқдорига таъсири, наъматак уруғларини экиш меъёрларини кўчатлар қалинлиги ва сифатига таъсири, наъматак уруғкўчатларини сифатини оширишда минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Туркумдаги *Caninae* секциясининг *R. canina*, *R. achburensis*, *R. ambigua* *R. transturkestanica*, *R. arnoldii* каби турлари йирик мевали ва серуруғ

ҳисобланади. Наъматакнинг мева эти умумий мева оғирлигини 40–81,4 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткич *R. canina* турида 81,4%, *R. ambigua* турида 75,0 %, *R. achburensis* турида 75,6% ни ташкил этади. Энг паст кўрсаткич *R. beggeriana* турида қайд этилди – 40,0%.

Саноат плантацияларида ўстириш учун наъматак турига қўйиладиган асосий талаблар – мевасида С витамини миқдори 1000 мг/% дан ва мева эти 2 граммдан кам бўлмаслиги зарур. Энг йирик мевалар *R. ambigua* (узунлиги $3,1 \pm 0,03$ см. ва диаметри $4,0 \pm 0,06$ г.) ва *R. Fedtschenkoana* ($3,17 \pm 0,02$ см. ва $3,2 \pm 0,06$ г.) турларига тегишли бўлиб, энг майда мевалар *R. beggeriana* турига тегишлидир – $0,8 \pm 0,01$ см. ва $0,5 \pm 0,09$ г. Наъматак меваларидаги уруғлар сони 15–32 дона атрофида эканлиги қайд этилди. Энг серуруғ мевалар *R. achburensis* ($32,5 \pm 0,87$ дона), *R. ambigua* ($28,5 \pm 0,55$ дона), *R. transturkestanica* ($27,1 \pm 0,56$ дона) турларига тегишлидир.


Ушбу таҳлиллар илмий ишимизнинг иккинчи объектида қуйидагича бўлди: зарафшон популяциясида танланган жумрутсимон чаканданинг (*Hipporhæ rhamnoides* L.) мусбат шакллари мева узунлиги 7,6–7,7 мм, диаметри 5,8–5,9 мм бўлиб, 100 дона меваларининг оғирлиги 14,8–15,2 граммни ташкил этади. Чаканда мевалари сентябрда 160–180 кунда пишиб етилади. Чаканданинг 1 кг янги терилган меваларида шарбат чиқиши 76–80% ни, уруғ чиқиши 8–14% ни ташкил этади.

Чаканданинг 1 кг. уруғида 90–130 минг дона мавжудлиги қайд этилди. Зарафшон популяциясида кенг тарқалган майда мевали буталар уруғларининг узунлиги $3,1 \pm 0,02$ мм., диаметри $2,0 \pm 0,01$ мм. га ва 1000 дона уруғларининг оғирлиги 7,7 граммга тенг. Танланган чаканда шакллари уруғлари йирикрок, узунлиги 4,1–5,3 мм., диаметри 1,9–2,0 мм. га тенг. 1000 дона уруғларининг оғирлиги 9,5–14,6 граммни ташкил этади.

Тупрокнинг уруғ экиш чуқурлигида (2 см.) кунлик ҳарорат ўртача $+7^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этганда Федченко наъматаги уруғларининг униши ва илк ниҳолларининг пайдо бўлиши қайд этилди. Ниҳолларнинг жадал пайдо бўлиши апрелнинг 1–2 декадасида тупрокнинг уруғ экиш чуқурлигида кунлик ҳарорат ўртача $+9^{\circ}\text{C}$ – $+13^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлганда кузатилди (1-расм).

Наъматак ниҳоли асосан 2 та уруғпалладан иборат, баъзан 1 ёки 3 уруғпаллани ниҳоллар ҳам учрайди. Ниҳолнинг уруғпалла остки қисми ёки гипокотиль 3,0–4,8 мм. узунликда 0,7–1,1 мм. диаметрли ва ранги тўқ қизил рангда бўлади. Ниҳолнинг энг юқори қисми, яъни икки уруғпалла оралиғида ўсиш куртаги жойлашган бўлиб, ундан келгусида ўсимлик танаси, поя шаклланади. Уруғпаллалар овал-чўзинчоқ шаклда бўлиб, узунлиги 6,5–7,5 мм, эни 3,4–4,8 мм. ни ташкил этади.

Чаканда ўсимлиги уруғи учун ерустки униб чиқиш типи хосдир. Уруғпаллалари овал, силлиқ, серэт, ўртаси сал чуқурлашган, асоси кенг понасимон ва қисқа (1–1,2 мм.) бандда жойлашган. Ниҳолча гипокотили аввал оч яшил рангда бўлиб, кейин кўнғир ранга киради, туксиз, 20–40 мм. узунликда, цилиндрик 0,8–1,2 мм. диаметрли, аста-секин ўқ илдизга уланиб кетган. Уруғпаллаларининг узунлиги 7–8 мм., эни 4–5 мм., томирланиши аниқ кўринмайди.



1-расм. Турли муддатда экилган наъматак уруғларининг тупроқ ҳароратига боғлиқ ҳолда униш динамикаси

Тажрибаларда асосан кузги уруғ териш ва экиш муддатларини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилди. Июль охирида терилган Федченко наъматагининг яшил меваларидан олинган уруғлари униш қобилиятига эга эмаслиги қайд этилди. 1000 дона уруғларининг оғирлиги 22,8 граммни ташкил этди. Август бошларида наъматакнинг мева эти сарғая бошлаган даврда терилган уруғлар мумсимон етилганлик даврида бўлиб, уруғ мағзининг тўқлиги 75,5 % ни, 1000 дона уруғларининг оғирлиги 30,9 граммни ташкил этди. Ушбу уруғлар баҳорда сийрак ниҳоллар чиқишини таъминлади.

Наъматакнинг август охирида, сариқ-қизғиш рангли меваларидан олинган уруғларнинг тўлиқ физиологик етилмаганлиги сабабли, уларнинг баҳорда униш қобилияти 9% ни ташкил этди. Уруғларни 52 кун мобайнида стратификация қилиш ва октябрда экиш уларни униш қобилиятини 16 % гача оширди. Ушбу муддатда тайёрланган уруғларнинг мағзини тўқлиги 71,0 % ни ташкил этиб, 1000 дона уруғларининг оғирлиги 31,7 граммга тенг бўлди (1-жадвал).

Энг юқори униш қобилиятига эга физиологик жиҳатдан етилган уруғлар сентябрь бошларида қизара бошлаган мевалардан тайёрланди, уларнинг мағзи тўқлиги 80,5 % ни, 1000 дона уруғларининг оғирлиги 32,7 граммни ташкил этди. Ушбу уруғларни кузда экиш баҳорда 23 % униш қобилиятини таъминлади. Стратификация қилиш октябрда экилган уруғларни униш қобилиятини 25,4 % гача оширди. Наъматак уруғларини чуқур тиним даврига эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим, шунинг учун улар терилгандан сўнг 40–50 кун стратификация даврини ўташлари зарур. Қуруқ сақланган уруғларни кузда экиш сийрак ниҳоллар чиқишини таъминлайди.

Наъматак уруғларини физиологик етилиш жараёнида уларнинг мағзи тўқлиги ва 1000 дона уруғларининг оғирлиги ортиб боради. Физиологик тўлиқ етилган уруғларнинг мағзи уруғнинг ички бўшлиғини тўлиқ эгаллайди, сутсимон–оқ рангда бўлиб, юпқа нозик оч жигарранг пўстлоқ билан ўралган бўлади. Физиологик тўлиқ етилган уруғ мағзининг узунлиги 2,8–4,5 мм., диаметри 1,5–1,7 мм. ни ташкил этади.

Сентябрь охирларида пишиб ўтиб кетган мевалардан тайёрланган наъматак уруғлари мағзининг тўқлиги 74 % бўлишига қарамасдан тупроқдаги унувчанлиги 3,8 % ни ташкил этди. Пишиб ўтиб кетган мевалардан терилган уруғларнинг қобиғи тўлиқ ёғочлашган ва мустаҳкам бўлиб, унинг қалинлиги 0,8–1,5 мм. га тенг, бу уруғ мағзига намлик етиб боришига етарлича тўсқинлик қилади. 1000 дона уруғларининг оғирлиги 33,4 граммни ташкил этди. Наъматак бир йиллик уруғ кўчатларининг вегетация якунидаги баландлиги 23,1±1,14 см. дан 27,5±1,42 см. гача, илдиз бўғинидаги диаметри 5,1±0,23 мм. дан 5,9±0,29 мм. гачани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Федченко наъматаги уруғларини териш ва экиш муддатларини уларнинг унувчанлиги ва бир йиллик уруғкўчатларини чиқишига таъсири

Уруғ териш муддати	Уруғ экиш муддати	Экилган уруғлар ҳолати	Уруғ мағзи тўқлиги, %	1000 дона уруғ оғирлиги, г	Тупроқда унувчанлиги, %	Вегетация якунида кўчатларнинг ўртача ўлчамлари		Уруғкўчатларни ялпи чиқиши		Стандарт уруғкўчатлар чиқиши	
						Баландлиги см	Диаметри мм	1 метр эгатдан, дона	1 гектардан, минг дона	минг дона/га	Ялпи кўчатлар сонига нисбатан, %
25.VII	26.VII	Янги терилган	69,0	22,8	-	Ниҳоллар чиқмади					
9.VIII	10.VIII	Янги терилган	75,5	30,9	-	Сийрак ниҳоллар					
26.VIII	27.VIII	Янги терилган	71,0	31,7	9,0	23,7±1,13	5,1±0,21	17,7	295,0	252,8	85,7
26.VIII	18. X	Стратификацияланган	71,0	31,7	16,0	24,4±1,28	5,1±0,24	34,7	578,3	467,3	80,8
26.VIII	18. X	Курук сақланган	71,0	31,7	-	Сийрак ниҳоллар					
8.IX	9.IX	Янги терилган	80,5	32,7	23,0	23,1±1,14	5,3±0,24	34,3	571,7	473,4	82,8
8.IX	18. X	Стратификацияланган	80,5	32,7	25,4	26,4±1,13	5,2±0,23	38,5	641,7	605,8	94,4
8.IX	18. X	Курук сақланган	80,5	32,7	-	Сийрак ниҳоллар					
24.IX	25. IX	Янги терилган	74,5	33,4	3,8	27,5±1,42	5,9±0,29	11,7	195,0	173,9	89,2
24.IX	18. III	Стратификацияланган	85,0	33,4	-	Сийрак ниҳоллар					
24.IX	6. IV	Стратификацияланган	85,0	33,4	-	Сийрак ниҳоллар					
24.IX	18. III	Курук сақланган	85,0	33,4	-	Ниҳоллар чиқмади					

Уруғларни териш ва экиш муддатларининг кўчатлар чиқишига таъсирини куйидагича баҳолаш мумкин: энг юқори миқдордаги стандарт кўчатларни (605,8 минг дона/га) сентябрда терилган уруғларни 40 кун мобайнида стратификация қилиш ва октябрда экиш варианты таъминлади. Ушбу янги терилган уруғларни сентябрь бошида дарҳол тупроққа экиш бир гектардан 571,7 минг дона ялпи кўчат чиқишини таъминлади. Ушбу кўчатларнинг 473,4 минг донаси стандарт кўчатлар (82,8%) ҳисобланди. Барча тажриба

вариантларида уруғ кўчатларни вегетация якунида сақланиши 97,4–100 % ни ташкил этди.

Чаканда уруғларини териш ва экишнинг оптимал муддатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажрибаларда унинг уруғларини тиним даврига эга эмаслиги ва шу сабабли осон унувчанлиги қайд этилди. Сентябрьда тайёрланган ва 6 ой мобайнида қуруқ сақланган уруғларни баҳорда экиш, 28,0 % униш қобилятини таъминлади. Октябрда тайёрланган ва стратификация қилинган уруғларни 10-15 кундан сўнг нам қумда униб кетиши қайд этилди. Ушбу уруғларни қуруқ ҳолатда сақлаб, ноябрь охирларида экиш баҳорда 26,0 % униш қобилятини таъминлади.

Ноябрда терилган ва 4 ой мобайнида қуруқ сақланган уруғларни баҳорда экиш уларнинг энг юқори униш қобилятини (35,5%) таъминлади. Чаканда икки уйли ўсимлик бўлгани сабабли уруғ кўчатларининг 50-55% чангчи, қолганлари уруғчи ўсимликлар сифатида шаклланади. Уларни 3 ёшигача жинсини ажратиш қийин, кўчатлар мева бериш ёшига етгач куртаклари бўйича фарқланади.

Чаканда уруғ кўчатларининг вегетация якунида сақланиши 61,5–71,8% ни, ўртача баландлиги 17–23 см., илдиз бўғинидаги диаметри 1,8–2,2 мм. га етди. Кўчатзордан ялпи кўчат чиқиши 533,3–850,0 минг дона/га. ни ташкил этди.

Наъматак уруғларни қалин экиш 1 метр эгатдаги уруғ кўчатлар сонини 18-20 тадан (4 г/м экиш меъёри) 55–60 тагача (12 г/м) оширгани билан озикланиш майдонининг камайиши ҳисобига уларнинг ўсиш сифати камайиши кузатилди. Хусусан, уруғ экиш меъёри 4 г/м бўлган тажриба вариантыда вегетация якунида бир йиллик уруғ кўчатларнинг баландлиги $27,7 \pm 1,09$ см. ва диаметри $5,7 \pm 0,19$ мм. ни ташкил этди, 12 г/м вариантда бўлса бу кўрсаткичлар $20,8 \pm 0,79$ см. ва $4,2 \pm 0,13$ мм. ни ташкил этди.

Уруғ экиш меъёрини ортиши билан стандарт уруғ кўчатлар миқдорини ортиши кузатилди, лекин стандарт уруғ кўчатларни ялпи уруғ кўчатлар миқдорига нисбатан камайиши кузатилди: 4 г/м уруғ экиш вариантыда стандарт кўчатлар ялпи уруғ кўчатларнинг 88,8 % ни ташкил этган бўлса, 12 г/м тажриба вариантыда бу кўрсаткич 78,8 % га камайди.

20 дона/м. уруғкўчатлар қалинлигида уруғкўчатларнинг ўртача баландлиги вегетация якунида $27,5 \pm 1,67$ см. ни ташкил этган бўлса, 50 дона/м. қалинликда бу кўрсаткич $21,3 \pm 1,05$ см. ни ташкил этди. 20 дона/м. уруғ кўчатлар қалинлигида ялпи уруғ кўчатларнинг 94,4 % ни, 50 дона/м уруғ кўчатлар қалинлигида 75,5 % ни стандарт уруғкўчатлар ташкил этди.

Минерал ўғитларни қўллаш наъматак уруғ кўчатларини жадал ривожланишини ҳамда назорат вариантга (ўғитсиз) нисбатан стандарт кўчатлар чиқишини оширди. Уруғкўчатларини ривожланиши 15 июлдан 15 августгача бўлган давр оралиғида фаол кечди. Ушбу 30 кунлик даврда уруғ кўчатларнинг максимал баландликка ўсиши $N_{90}P_{90}K_{60}$ ўғитлар меъёридаги тажриба вариантыда қайд этилди: 17,3 см. $N_{120}P_{90}$ меъёрида бу кўрсаткич 15,6 см. ни, $N_{90}P_{90}$ вариантда 14,4 см. ни, N_{60} вариантда 13,6 см. ни ташкил этди. Назорат вариантыдаги уруғ кўчатлар бўлса бу даврда 8,7 см. га ўсди.

Вегетация якунида энг яхши ўсиш кўрсаткичлари N₉₀P₉₀K₆₀ вариантида қайд этилди, уруғ кўчатларнинг баландлиги 38,1±1,23 см. ва диаметри 6,2±0,22 мм. ни ташкил этди. N₁₂₀P₉₀ вариантида уруғ кўчатларнинг баландлиги 36,9±1,73 см, диаметри 6,2±0,20 мм. ни, N₉₀P₉₀ вариантида бу кўрсаткичлар тегишли равишда 31,9±1,33 см. ва 5,5±0,17 мм. ни, N₆₀ тажриба вариантида тегишли равишда 27,6±1,32 см. ва 5,5±0,26 мм. ни ташкил этди. Энг паст ўсиш кўрсаткичлари 17,9±0,79 см. ва 4,0±0,17 мм. назорат вариантида қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал


Минерал ўғитлар микдорини Федченко наъматагининг бир йиллик уруғкўчатларини ўсиши ва стандарт уруғкўчатларини чиқишига таъсири

Минерал ўғитлар меъёри (таъсир этувчи молдасига кўра), кг/га	Уруғкўчатларни вегетация якунидаги ўртача ўлчамлари				Уруғкўчатларни ялли чиқиши, минг дона/ га	Стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши			1-нав уруғкўчатлари	
	Баландлиги, см	Назоратга нисба- тан, %	Диаметри, мм	Назоратга нисба- тан, %		Минг дона/ га	Ялли уруғкўчат- лар сонига нисбатан, %	Назоратга нисбатан, %	Минг дона/ га	Назоратга нисбатан, %
Назорат (ўғитсиз)	17,9±0,79	100	4,0±0,17	100	511,7	321,4	62,8	100	190,3	100
N ₆₀	27,6±1,32	154,2	5,5±0,26	117,0	588,3	528,9	89,9	164,4	379,4	199,5
N ₆₀ P ₆₀	25,4±1,27	141,9	5,8±0,18	145,0	555,0	466,2	84,0	145,1	377,2	198,2
N ₆₀ P ₉₀	24,6±1,10	137,4	5,3±0,20	132,5	550,0	487,9	88,7	151,8	325,4	171,0
N ₉₀ P ₉₀	31,9±1,33	178,2	5,5±0,18	137,5	628,3	595,6	94,8	185,3	505,7	265,7
N ₉₀ P ₉₀ K ₆₀	38,1±1,23	212,9	6,2±0,22	156,0	566,7	555,9	98,1	172,9	492,0	258,5
N ₁₂₀ P ₉₀	36,9±1,73	206,2	6,2±0,20	156,0	616,7	600,1	97,3	186,7	532,3	279,7

N₆₀, N₆₀P₆₀ ва N₆₀P₉₀ тажриба вариантларидаги уруғ кўчатлар баландлиги бўйича бир-биридан кам фарқланди, фарқланиш мезони $t < 2$ тенг. N₉₀P₉₀K₆₀ ва N₁₂₀P₉₀ тажриба вариантлари ҳам уруғ кўчатларнинг баландлигига кўра кам фарқланадилар: фарқланиш мезони $t < 1$ га тенг.

Азотга наъматак уруғ кўчатларини юқори сезувчанлиги қайд этилди, азот микдорини ортиб бориши (N₆₀ дан N₁₂₀ гача) назорат вариантга нисбатан стандарт уруғ кўчатлар чиқишини кўпайиб боришини таъминлади. N₉₀P₉₀K₆₀ ва N₁₂₀P₉₀ тажриба вариантлари 555,9–600,1 минг дона/га. стандарт уруғ кўчатлар чиқишини ижобий томонга (97,3–98,1% гача) ўзгартирди. Назорат вариантида ялли уруғ кўчатларнинг 62,8% микдорини, N₆₀ вариантида 89,9% микдорини, N₉₀ P₉₀ вариантида 94,8% микдорини, N₁₂₀ P₉₀ вариантида 97,3% микдорини стандарт уруғ кўчатлар ташкил этди (2-расм).

N₆₀ вариантида 207,5 минг дона/га., N₉₀P₉₀ вариантида 274,2 минг дона/га., N₁₂₀P₉₀ вариантида 278,7 минг дона/га. назоратга вариантга нисбатан кўп микдор стандарт кўчатлар қайд этилди.



2-расм. Минерал ўғит меъёрларини наъматакнинг стандарт кўчатлар чиқишига таъсири

Диссертациянинг «**Наъматак ва чакандани вегетатив кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологияси**» номли тўртинчи бобида наъматак ва чакандани турли муддатларда ва турли узунликда тайёрланган новда қаламчаларини илдиз олдириш усулида ўз илдизига эга кўчатларини етиштириш имкониятлари, тупроқ ва қумли субстратларнинг чаканда новда қаламчаларини илдиз олишига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Наъматакнинг ноябрь охирида тайёрланган ва қиш мавсумида қумли траншеяда вертикал ҳолатда 3,5 ой стратификация қилинган ёғочлашган новда қаламчалари март ўрталарида 60x60 см. ўлчамдаги эгатларга экилди. Баҳорда траншеядан олинган қаламчаларнинг 90–95% да каллюс ҳосил бўлганлигига қарамадан, уларнинг илдиз олиши 34,7% атрофида қайд этилди. Кузда ва эрта баҳорда тайёрланган ва экилган новда қаламчаларининг илдиз олиши 5% дан паст бўлди.

Май ойидан бошлаб илдиз тизими шаклланган наъматак кўчатларини ўсиши бошланди, июнда уларнинг баландлиги 19–42 см., июлда 32–84 см., августда 42–130 см. ни ва вегетация якунида уларнинг баландлиги $117,1 \pm 13,76$ см., диаметри $7,4 \pm 0,62$ мм. ни ташкил этди.

Чаканданинг март бошларида тайёрланган новда қаламчаларини экиш уларнинг энг яхши илдиз олишини таъминлади – 79,3%. Кузда тайёрланган ва қиш мавсумида қумли траншеяда вертикал ҳолатда 3,5 ой стратификация қилинган ёғочлашган новда қаламчаларини март ўрталарида экиш уларнинг 28,5 % илдиз олишини таъминлади. Кузда экилган қаламчалар кўкармади. Вегетация якунида кўчатларни сақланиши 85,7–86,9 % ни ташкил этди.

Чаканданинг турли субстратларда новда қаламчаларини илдиз олиши ва кўчатларини ўсиши


Вариантлар	Вегетация давомида кўчатларнинг ўсиш динамикаси, см				Вегетация якунида кўчатларнинг ўлчамлари		Қаламчаларнинг илдиз олиши, %	Кўчатларни сақланиши, %
	май	июнь	июль	август	Баландлиги, см	Диаметри, мм		
Оддий тупроқ	8,2±0,31	9,6±0,37	32,3±1,78	40,0±1,82	43,3±1,41	3,0±0,12	70,3	84,2
Унумдор тупроқли субстрат	8,6±0,37	12,1±1,33	39,0±2,80	52,5±3,76	74,1±4,59	6,8±0,31	74,4	82,5
Қумли субстрат (очик ер)	9,6±0,38	15,1±1,23	28,4±1,68	40,2±1,78	53,3±2,40	4,0±0,13	78,5	85,1
Қумли субстрат (туманли иссиқхона)	8,4±0,3	9,3±0,57	34,0±1,50	39,4±1,74	53,2±2,60	3,8±0,05	80,4	87,1

Қаламча узунлигини уларни илдиз олиши ва ўсишига таъсирини ўрганиш новдадаги озиқ моддалар заҳираси асосий омил эканлигини кўрсатди. 30 см. узунликдаги новда қаламчаларни илдиз олиши 84,6 %, вегетация якунида кўчатларни сақланиши 77,2% ни, 15 см. ли қаламчаларда бўлса 62,5 % ва 50,0 % ни ташкил этди.

Қаламчаларни тупроқ шароитларида илдиз олиши пастроқ – 70,3% бўлди. Кўчатларни вегетация якунидаги баландлиги 43,3±1,41 см., диаметри 3,0±0,12 мм. га, туманлатиб суғориладиган иссиқхонада илдиз олдирилган кўчатларнинг вегетация якунидаги баландлиги 53,2±2,60 см. ва диаметри 3,8±0,09 мм. га тенг бўлди. Кўчатларни ривожланиши бўйича энг яхши натижа унумдор тупроқли субстратда қайд этилди – вегетация якунида кўчатларнинг баландлиги 74,1±4,59 см. ва диаметри 6,8±0,31 мм. га тенг бўлди (3-жадвал).

Новда қаламчаларини илдиз олиши ва кўчатларни ривожланишига стимуляторларни таъсир этиш вақтини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди: гетероауксиннинг 0,01% эритмасида 14 соат ушланган қаламчаларни илдиз олиши 81,8 % ни, 18 соат ушланганда 90,0 % ни ташкил этди. Оддий сувда (назорат) 14 соат ушланган қаламчаларни илдиз олиши 68,9% ни ташкил этди. Қаламчаларни 22 соат гетероауксин эритмасида ушлаш уларни илдиз олишини 58,6% гача пасайтирди.

